

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Республикада 728,5 км очик коллектор тармоқлари, 234,9 км ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқлари, 89 та вертикал дренаж қудуқлари, 189 та гидротехник иншоотларда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди, шунингдек, 13 584,1 км коллектор-дренаж тармоқлари, 324 та вертикал дренаж қудуқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди.

Мелиоратив тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 294,5 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Жумладан, кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 29,8 минг гектарга камайди, сизот сувлари сатҳи 2 метргача бўлган майдонлар 85,7 минг гектарга қисқарди, 179,0 минг гектар майдонда ерларнинг мелиоратив барқарорлиги таъминланди. Ушбу ҳудудларда қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган ҳосилдорлик ўртача 2–3 центнерга ошди.

100 минг гектардан зиёд ерлар қайта фойдаланишга киритилиб, кўшимча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда янги иш ўринларини яратилишига эришилди.

Ер ости сувлари сатҳи ва суғориладиган ерларнинг шўрланиш динамикасини реал вақт режимида мониторинг қилишни ташкил этиш мақсадида халқаро молия ташкилотларининг грант маблағлари ҳисобидан жойлардаги Мелиоратив экспедицияларида геоахборот технологиялари билан жиҳозланган мониторинг марказлари ташкил этилди ва вазирлик билан VPN тармоғи орқали ягона тизимга уланди.

Суғориладиган ерларни мелиорациялаш ва сув хўжалигини механизациялаш бошқармаси

Насос станциялари ва энергетика соҳасида 2023 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Республикамизда жами суғориладиган майдонлар 4,3 млн. гектарни ташкил этиб, шундан 2,4 млн. гектари (55 фоизидан ортиқ) вазирлик тасарруфидаги 1688 та насос станцияси, 5231 дона насос агрегати, 8085 дона суғориш ва мелиоратив кудуқлари ёрдамида суғорилади. 2023 йилда насос станциялари, уларда ўрнатилган насос агрегатлари, суғориш ва мелиоратив кудуқлар, подстанциялар, трансформаторлар ва электр узатиш тармоқларини техник соз ҳолатда сақлаш, ишончли ишлашини ҳамда уларни такомиллаштиришни таъминлаш ва ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан:

- насос станцияларида 2756 дона насос агрегатлари, 1284 дона суғориш кудуқлари жорий ва тубдан таъмирланди;

- замонавий энерготехамкор технологияларни жорий қилиш мақсадида 3371 дона ёруғликдиод лампалар, 72 дона конденсатор, 29 дона частота ўзгартирувчи қурилмалар ва 27 дона қуёш батареялари ўрнатилди.

Ҳисобот даврида 7600 млн. кВт. соат электр энергияси лимити белгиланган бўлиб, электр энергиясини тежаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, ўрнатилган замонавий энерготехамкор қурилмалар ҳисобига 7172 млн. кВт. соат электр энергияси сарфланди. Натижада 428 млн. кВт. соат (192,5 млрд. сўмлик) ҳамда 2019 йилга нисбатан 237 млн. кВт. соат (106 млрд. сўмлик) электр энергияси тежалди.

Насос станциялари ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш бошқармаси

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш борасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Республикамизда 2023 йилда 133,6 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган. Шу тариқа ўтган йиллар давомида тежамкор суғориш технологиялари жорий қилинган майдонлар 291,2 минг гектарга етказилиб, жами суғориладиган ерларнинг 7 фоизга яқинини ташкил қилмоқда.

Жумладан, 43 минг 40 гектар, шундан 20 минг 650 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш, 2 минг 210 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш, 4 минг 249 гектар майдонда дискрет (пульсар) суғориш технологияси қўлланилган бўлса, 84 минг 162 гектар майдонда кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш ишлари амалга оширилган.

Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотларига жами 17 минг 53 гектар пахта майдонлари учун давлат бюджетидан 132,8 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратиб берилган.

Тежамкор суғориш технологиялари қўлланилиши натижасида вегетация даврида республика бўйича жами 280 млн. м³ ҳажмда сув тежалиб, 300 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти яхшиланишига эришилган ҳамда қўшимча 16,0 минг гектардан ортиқ такрорий экин майдонларини суғориш имконияти яратилган.

Бундан ташқари, пахта хомашёси етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган 663 та фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотлари томонидан 40 фоизгача минерал ўғитлар, 35 фоизгача ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари тежалиши баробарида ҳосилдорликни ўртача гектарига 15–20 центнерга оширишга эришилган.

Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бошқармаси

Ирригация тизимлари ва йирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш борасида 2023 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Республика бўйича жорий йилда эксплуатация маблағлари ҳисобидан 5348,0 км узунликдаги ирригация тизими каналларини тозалаш ҳамда улардаги 5495 та гидротехника иншоотлари ва 5665 та гидропостларни таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, сув истеъмолчилари уюшмалари, кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички хўжалик тармоқларини 17487,0 км узунликда механизм ёрдамида, 60467,0 км узунликда қўл кучи ёрдамида тозалаш, улардаги 13 968 та гидротехник иншоот ҳамда 12 979 та гидропостларни таъмирлаш режалаштирилган.

Ҳисобот даврида 3089,0 км (58%) узунликдаги ирригация тизими каналлари тозаланиб улардаги 3334 дона (61%) гидротехника иншоотлари ва 3335 дона (59%) гидропостларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, сув истеъмолчилари уюшмалари, кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички хўжалик тармоқларини механизм ёрдамида 9477,0 км (54%) узунликдаги ҳамда 31618,0 км (52%) узунликдаги қисми қўл кучи ёрдамида тозаланиб улардаги 7841 дона (56%) гидротехника иншоотлари ва 7367 дона (57%) гидропостлар таъмирланди.

Бундан ташқари, ички хўжалик суғориш тармоқларидаги фермерларнинг 19 765 дона сув олиш қулоқларини жиҳозлаш ишлари режалаштирилиб, амалда 10350 дона (52%) сув олиш қулоқларини жиҳозланди.

**Ирригация тизимларидан ва йирик гидротехника
иншоотларидан фойдаланиш бошқармаси**

Сув хўжалиги тизимида ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш борасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

2023 йилда сув хўжалиги тизимида ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобидан 1077,4 млрд. сўм, мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ишларига 284,9 млрд. сўм, таъмирлаш-тиклаш ишларига 332,0 млрд. сўм, жами 1694,3 млрд. сўм маблағлар ажратилган.

Ҳисобот даврида жами 735 та, жумладан, 338 та ирригация, 151 та мелиорация объектларида қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 246 та мелиорация объектларида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Шундан 621 та объектда (260 та ирригация, 131 та мелиорация объектларида қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 230 та мелиорация объектларида таъмирлаш-тиклаш ишлари) қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланган.

Ушбу лойиҳалар доирасида қуйидаги ишлар бажарилган:

- ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 1 118,5 млрд. сўм (ажратилган лимитга нисбатан 104%) капитал маблағлар ўзлаштирилиб, 1066,1 км каналлар, 102,9 км лоток тармоқлари, умумий сув чиқариш қуввати 18,9 м³/сек бўлган насос станциялар, 12,2 км босимли қувурлар, 75 дона гидротехника иншооти, 380 дона тик суғориш қудуқлари ва сифими 9,1 млн. м³ бўлган 2 та сув омборида қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган;

- мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича жами 297,6 млрд. сўм (ажратилган лимитга нисбатан 104%) капитал маблағлар ўзлаштирилиб, 728,5 км очик коллектор тармоқлари, 234,9 км ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқлари, 89 дона вертикал дренаж қудуқлари, 189 дона гидротехника иншоотлари ва 9 дона коллекторлардаги кўприкларда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган;

- мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича эса жами 346,8 млрд. сўм (ажратилган лимитга нисбатан 104%) маблағлар ўзлаштирилиб, 13 584,1 км коллектор-дренаж тармоқлари таъмирланган ва тикланган.

Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги